

## ДАЛОЛАТНОМА

### Мулк (объект)ни топшириш-қабул қилиш ҳақида

Қашқадарё вилояти

11 *Апрель* 2022 йил

Мазкур далолатнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 168-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминот филиали (кейинги ўринларда - “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминот филиали) ва Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда – Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси) ўртасида амалдаги меъёрий ҳужжатларни инобатга олган ҳолда расмийлаштирилди.

Ушбу далолатнома билан, “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминот филиали 2022 йил 30-мартдаги 161-и/ч сонли буйруғига асосан Филиал номидан фаолият юритувчи Филиал директори Ғ.Муродов “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминот филиалининг баланс ҳисобида юритилаётган Қашқадарё вилояти Миришкор туман Чаманзор МФЙ ҳудудида жойлашган “Бўш турган газ балан тарқатиш биноси” маълумот учун умумий 249 189 896 (Икки юз қирк тўққиз миллион бир юз саксон саккиз минг) сўм баланс қиймати, қолдиқ қиймати 159 481 533 (Бир юз эллик тўққиз миллион тўрт юз саксон бир минг беш юз ўттиз уч минг) сум, умумий майдони 608.02 кв.м шундан бино ва ишоотлар эгаллаган майдон 576,76 кв.м. Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси балансига топширди.

*Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги 168-сон қарори 9-банди 8-хатбошида давлат иштирокидаги корхоналар ва улар таркибидаги ташкилотларнинг бино, ишоотлари ёки бошқа активларини давлат органларига ўтказилиши товарни реализация қилиш бўйича айланма сифатида қаралмаслиги ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқяйдиган бепул товар берилишига тенглаштирилиши белгиланган.*

Жамият устав капиталидаги давлат ҳамда хўжалик жамиятлари улуши улар томонидан Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси топширилган объектнинг сотилган қийматига камайтиради. Бунда, сотилган қиймат қолдиқ (баланс) қийматидан юқори бўлган тақдирда, давлат ва хўжалик жамияти улушлари қолдиқ (баланс) қиймати миқдорига камайтиради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кўчмас мулк “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминот филиали Миришкор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2020 йилда 18:01:03:01:01:0920-рақамли Кадастр паспортига асосан расмийлаштирилган.

Тарафлар ўртасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги 168-сон қарорига асосан ҳудудий бошқарма балансига ўтказилаётган юқоридаги объектни:

сақлаш харажатлари улар сотилгунга қадар объектни топширган балансда сақловчи ташкилот томонидан амалга оширилиши;

товар-моддий бойликлари ва бошқа мол-мулкларини объект сотилгунга қадар бутлигини сақлаш бўйича моддий жавобгар шахс этиб, Жамиятнинг биринчи раҳбари белгиланиши ва Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси мазкур талабнинг ижроси устидан катъий назорат ўрнатиши тўғрисида келишилди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси объектни қабул қилиб олинishiда унинг бутлиги ва мавжудлигини кўриб чиққан ҳолда қабул қилиб олди.

*Далолатнома бир хил кучга эга бўлган 3 (уч) нусхада тузилди.*

Топширди:

Қабул қилди:



Ҳудудгаз Қашқадарё" газ таъминоти  
филиали

Бўш турган объектлардан самарали  
фойдаланишни ташкил этиш  
марказининг Қашқадарё вилоят  
ҳудудий бошқармаси

Г.Муродов

А.Темиров

Н.Жонқулватов

Ш.Кўчқоров

Б.Жабборов

С.Жўраев

Ў.Зонров



Д. Жўраев

Р.Бобожонов

А.Хоналиев

А.Абдусоатов

Х.Равшанов